

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ҚУВАСОЙ ШАҲРИНИНГ ТЎРТТА СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ИШИНИ ҚОНИҶАРСИЗ БАҲОЛАДИ

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Қувасой шаҳрида бўлиб, худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш жараёнлари, аввалги ташрифлар доирасида берилган топшириқлар ижроси билан танишди. Хайрулло Бозоровга вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов ҳамроҳлик қилди. Ўрганиш натижалари шаҳарда секторлар раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ахволи қониҷарсиз эканини, раҳбарларда масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётганини кўрсатди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги қайд этилди.

Илк манзилда Фарғона шаҳридан Қувасой шаҳрига ўтиб боришда жойлашган “Пакана” МФЙ ҳудудида барпо этилаётган 11 та янги кўп қаватли уй-жойлар қурилиши кўздан кечирилди. Қурилиш ишлари бошланганига бир йил муддат ўтган бўлса-да, бирорта уй тўлиқ фойдаланишга топширилмагани вилоят ҳокими томонидан кескин танқид қилинди. Уй-жойлар қурилиши учун давлат томонидан ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга катта имтиёзлар берилаётганига қарамасдан, қурилиш ишлари жуда секин амалга оширилаётгани, шаҳар ҳокими ва унинг қурилиш соҳасига масъул ўринbosари ишларни рисоладагидек ташкил этмагани қайд этилди. Хайрулло Бозоров ўз вазифасига масъулиятызиз ёндашуви учун шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринbosарини ишдан олиш бўйича топшириқ берди.

Вилоят ҳокими шунингдек, Қувасойдаги Сойбўйи, Пакана, Валик МФЙ ҳудудларида ташкил этилаётган кичик саноат зоналарида олиб борилаётган ишлар ҳамда жойлаштирилаётган инвестиция лойиҳалари билан ҳам танишди. Хайрулло Бозоров шаҳар секторлари раҳбарларини ҳудудда тадбиркорлар билан ишлаш даражаси қониҷарсиз эканлиги, топшириқлар ижроси етарли бажарилмаганлиги учун қаттиқ огоҳлантириди. Баъзи корхоналарнинг қурилиш ва монтаж ишлари якунланганига қарамай, тадбиркорлар олдидағи баъзи объектив ва субъектив тўсиқларнинг вақтида ҳал этилмаганлиги ёки маъсулларга етказилмаганлиги сабабли корхоналар тўла қувват билан ишлай олмаётгани ёки фойдаланишга топширилмай турганлиги аниқланди. Шаҳар прокурори секторидаги биргина Пакана МФЙдаги кичик саноат зонасида ишга тушириш режалаштирилган 15 та лойиҳанинг ҳозирда атиги З таси амалга оширилаётгани, қолган лойиҳалар бўйича ишлар суст кетаётгани ёки амалга оширилмаётгани вилоят раҳбари томонидан салбий баҳоланди. Тадбиркорлар билан ишлаб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиб, одамлар турмуш даражасини кўтариш энг асосий вазифа эканлигини қайд этган вилоят ҳокими, энди ишлар тизимли, тартибли олиб борилмаса раҳбарларга кескин чоралар кўришини айтиб ўтди.

Ўрганиш жараёнида Қувасой шаҳрида мавжуд 22 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳам самарасиз ташкил этилгани маълум бўлди. Вилоят ҳокими шаҳардаги экин ерларини чуқур мониторинг қилиш, ерлардан самарали фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликларни ўрганиш ва таҳлил этиш, серҳосил қишлоқ хўжалиги экинларини тизимли жойлаштириш бўйича тезкор иш ташкил этиш юзасидан масъулларга қатъий кўрсатма ва вазифалар берди.

Хайрулло Бозоров, Қувасойда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш доирасида шаҳардаги дўйстлик МФЙда жойлашган “82 КМК” темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини кўздан кечирди, Бўстон МФЙда барпо этилган янги маҳалла фуқаролар йиғини биноси, Ҳамид Олимжон МФЙ ҳудудида ташкил этилган хусусий бошланғич таълим муассасаси ҳамда тил ўрганиш марказини ҳам бориб кўрди.

